Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 62 (6. 851) 1989 йил 15 март, чоршанба Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленумига тайёргарлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу ҳақда батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Газеталарнинг саҳифаларидан 13 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков раислигида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети Ҳуқуқий сиёсат масалалари комиссиясининг мажлиси ҳақида ҳисобот ўрин олган.

● Марказий ва республика газеталарида «Иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари лойиҳаси тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг қарори ҳамда мазкур лойиҳанинг тексти эълон қилинган.

●«Катта аҳамиятга молик воқеа» — «Правда» газетасининг биринчи саҳифасида берилган шу сарлавҳали долзарб мавзудаги мақола бугун ўз ишини бошлайдиган КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига бағишланган.

## Сўнгги соатда

### ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

● ЛОНДОН. Шимолий Ирландиядаги Тирон графлиги яқинида жойлашган Кастлдерг ҳарбий базаси ёнида топилган катта бомбани зарарсизлантириш учун Британия армияси сапёрларига салкам 12 соат зарур бўлди. Олстер қуролли полициясининг хабар беришича, портловчи модданинг умумий вазни 750 килограмм бўлган. Британия сапёрлари Шимолий Ирландияда ҳали бу қадар катта бомбани зарарсизлантиришмаган эди.

● ГАВАНА. Сальвадор қўзғолончилари ҳукумат қўшинлари позицияларига неча бор ҳужум қилдилар ва мамлакатнинг турли районларида пистирма қўйдилар. Натижада, ўлганлар ва ярадорлар бўлиб, душман 25 кишисидан ажралди. Қўзғолончиларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишича, Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти жангчилари Усулутан департаменти шимолида, Берлин аҳоли пункти атрофида Дуарте армиясининг 7 нафар солдат ва офицерини ўлдирганлар. Сальпресс—нотисаль агентлигининг хабар қилишича, партизанлар шимолий Чалатенанго департаментининг Ла—Лагуна қишлоғида ўрнатган пистирма «Атлакатль» сараланган батальони газандаларидан 6 кишини сафдан чиқарган.

● БОНН. ГФРнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Франкфурт—Майнда якшанба куни нацизмга қарши ўтказилган намойишда 3 мингга яқин киши қатнашди. Намойишчилар шаҳар муниципалитетига неонацист миллий демократик партиядан депутатлар сайланишига қарши норозилик билдирдилар, мазкур партия миллий бидъатларни қўзғатиб, мамлакатдан барча чет эллик ишчиларни чиқариб юборишни талаб қилмоқда.

● МАДРИД. Мамлакатга яширин тарзда олиб кириш вақтида полиция маҳкамалари томонидан қўлга туширилган кокаин миқдори бўйича Испания Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Эълон қилинган маълумотларга кўра, мамлакатда 1988 йилда жами 3.443 килограмм кокаин мусодара қилинди, бу шу давр мобайнида Франция, ГФР, Голландия, Италия ва Португалияни қўшиб ҳисоблаганда мусодара қилинган кокаиндан кўпдир.

Куни кеча наркотик моддалар контрабандасига қарши курашувчи Испания инспекцияси бир неча юз килограмм кокаинни қўлга киритди, бу қора дори Мадрид яқинидаги Барахас аҳоли пунктидаги мева омборига келтирилган бўлиб, кокаин кокос ёнғоқлари ичига яшириб қўйилган экан.

● ТОКИО. Американинг ҳарбий ахборот манбаларига асосланиб, Киодо Цусин агентлиги қуйидагиларни хабар қилди: шу яқин орада Япониянинг Окинава оролида жойлашган Узоқ Шарқдаги энг катта Кадена авиабазасида Американинг АВАКС системаси билан жиҳозланган яна бир ҳарбий самолёти пайдо бўлади. АВАКС системаси билан жиҳозланган жанговар машиналар Қўшма Штатларга бутун Жануби—Шарқий Осиё ва Океанияда «эҳтимол тутилган душман» устидан назорат қилмоқда.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

# Қишлоқ ёрдам кутяпти

**Озиқ-овқат таъминоти ҳар бир тошкентликни қизиқтирмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари бу борада бизга катта ёрдам кўрсатишяпти. Хўш, шаҳарликларнинг ўзлари-чи? Ҳатто пиёз, янги кўкатларгача бозордан ё дўкондан сотиб олишга ўрганиб қолдик (ёки шунга мажбур бўляпмиз). Наҳотки уни ўзимиз етиштира олмасак. Ёки бунга имкониятимиз йўқми? Махсус мухбиримиз Ҳ. Икромовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари агросаноат комплексига қарашли корхоналар ишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг мудири С. Имомов билан суҳбати ана шу оддий, аммо ҳаётий мавзудан бошланди.**

— Шаҳарда бунга имконият ҳозирча етарли деб бўлмайди,— деб сўз бошлади у, — кўпчилик аҳоли кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Табиийки, уларда бунга имконият йўқ ҳисоби.

**— Ҳовлиларда-чи?**

— Ҳовлили уйларда бирмунча имкон бор, албатта. Аммо уларда ҳам бу борада қилинаётган ишлар етарли эмас. Мана бултурдан шаҳримизда истаганларга ер участкалари берила бошландики, бу яхши тадбир кўпчиликни қувонтирмоқда. Бу тадбир нечоғлик амалга оширилаётгани бугун ҳаммани қизиқтираётгани табиий ҳол. Масалан, кўпқаватли уйлардаги квартирасини бир ой ичида топшириш юзасидан шартнома тузган 4 ва ундан ортиқ аъзоси бўлган оилаларга 6 сотихдан ер участкаси берилмоқда. Ёки айтайлик, квартира олиш навбати келган оилалар ҳам кўп қаватли уйдан олишни хоҳламасалар, янги ер участкаси олишлари мумкин. Биринчи навбатда эса эски уйлари бузиладиган оилаларга ер участкалари ажратилмоқда. Ҳозиргача мингдан зиёд оила янги ерлардан участкалар олишди.

**— Ўрни келганда яна шундай саволга жавоб берсангиз: шахсий уйларда боқилаётган молларга аралаш озуқалар бериш тартибга солинганми?**

— Ҳа, бериляпти. Аммо бундай оилалар ҳали оз. Уйда мол боқаётган кишилар бир нарсани унутмасликлари керак. Масалан, айрим кишилар аралаш озуқа таъминотидан бошқа мақсадда фойдаланишади, яъни молларни семиртириб сўйгач, унинг гўштини коопторг қабул пунктига топшириш ўрнига бозорга олиб чиқиб сотишади. Бу нотўғри. Бу фойда кетидан қувиш. Аралаш озуқа билан таъминланган оилалар сўйилган гўштни коопторг қабул пунктларига топширишлари керак. Улуғ Ватан уруши инвалидларининг уйларида боқилаётган молларга ҳам аралаш озуқа берилмоқда. Хуллас, ким агар Озиқ-овқат программасини бажаришга қўлидан келган ҳиссани қўшмоқчи бўлса, уларга етарли, шарт-шароит яратиб бериш керак. Аввало, бунинг учун ҳар бир тошкентликнинг ўзида шунга иштиёқ бўлиши керак.

**— Шаҳарнинг Озиқ-овқат программасида яқин орада, яъни бу йил ва келгуси йилда қандай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланяпти?**

—Аввало шуни айтиш мумкинки, шаҳар Совети ижроия комитетида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан 1995 йилгача аниқ программа тузилган. Шунинг ичида 1989—1990 йилларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига биринчи галда эътибор қаратилмоқда. Шаҳар аҳолисининг қанча чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмол қилиши ва ялпи маҳсулот тайёрлаш ўрганиб чиқилмоқда.

**— Шаҳардаги саноат корхоналари коллективлари ҳам Озиқ-овқат программасини бажаришга сафарбар этиляптими?**

— Бўлмаса-чи! Тошкент шаҳри ва Тошкент области саноат корхоналари белгиланган ана шу программага мувофиқ Тошкент область агросаноат комитетига қарашли озиқ-овқат саноати учун ҳар йили нoстандарт ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беради. Масалан, Тошкент асбобсозлик заводи, Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент ёғ-мой комбинати учун зарур бўлган намуналар бўйича эҳтиёт қисмлар ва узеллар тайёрлайди.

**— Йирик машинасозлик корхоналари ҳам бу ишга жалб этиладими?**

— Ҳа, чунончи В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Подъёмник», «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Компрессор» заводи ва бошқа йирик саноат корхоналари шулар жумласидандир. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак: «Узбекхлопкомаш», «Таштекстильмаш», резина-техника буюмлари заводлари Қибрайдаги салқин ичимликлар комбинатига, «Тошкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Тошкентвино» комбинатига, Тошкент сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига зарур бўлган намуналар бўйича эҳтиёт қисмлар ва узеллар етказиб беради. Шундай қилиб, кўряпсизми, Озиқ-овқат программасини бажаришга саноат ходимлари ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар. Мен бу ўринда уларнинг қишлоқ районларига оталиқ ёрдами ҳақида тўхталиб ўтирмадим.

**— Бу оқшомхонларимизга маълум. Айтингчи, «Қишлоқ соатлари» ўтказилиб турилибдими?**

— Ўтганда қандоқ! Ҳар ойда икки мартадан ўтяпти. Ҳозиргача 5 марта ўтди. Унга Тошкент шаҳри ва областининг район ижроия комитетлари раислари таклиф этилиб, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида фикрлашиб олиняпти. Бу йўналишдаги ишни яна давом эттириш ниятидамиз.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни



# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАДА



**Ҳозир СССР халқ депутатлигига сайловлар ҳал қилувчи паллага кирди. Депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари бундан далолат бериб турибди. Овоз беришдан олдин депутатларнинг программаларини учрашув қатнашчилари синчиклаб таҳлил қилмоқдалар, унга танқидий нуқтаи-назар билан ёндошмоқдалар. Ана шундай сайловолди учрашувларидан бири 596-Тошкент—Акмал Икромов территориал сайлов округидаги 23/63-сайлов участкасида бўлиб ўтди. Шу куни сайловчилар ўз номзодлари — Йўлдош Акбаров ва Қодир Фозилхўжаев билан учрашдилар.**

**— Қуруқ ваъдалар, амалга ошмайдиган программа ҳеч кимга ёқмайди, — дейди сайлов участкаси секретари Ф. А. Соқиева. — Ҳар бир овоз берувчи граждан амалий иш, аниқ ҳаракат тарафдори.**

**Учрашувда худди шундай бўлди. Сайловчиларнинг талаблари қатъий: яшаш шароитларини яхшилаш, транспорт ҳаракатини изга солиш, Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасида сиз нима қилмоқчисиз?**

**Депутатликка номзод ўртоқлар ҳар бир саволга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдилар.**

**— Авваллари учрашувлар бундай ўтмасди,— деди А. Ўрмонова. — Депутатликка номзод ўртоқларнинг иккови ҳам ўзларининг программаларида ҳозирги кундаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга бел боғлаганлар. Бу бизни жуда қувонтиради.**

**— Депутат бўлиш — фақатгина шараф ёки обрў эмас, — дейди 2-автопарк ҳайдовчиси Йўлдош Акбаров, — айни пайтда у халқ учун хизмат қиладиган ваколатли шахсдир. Шундай экан, ҳар бир наказни бажариш — депутатлар учун қонун.**

**Фотомухбиримиз Т. Каримов суратга туширган лавҳаларда ана шу учрашув лаҳзалари ўз аксини топган.**

## Уйсозлар ғайрати

**◎ 7-«ҚУЙЛИҚ» турар жой массиви аҳолиси қисқа фурсатда 396 оилага кўпайди.**

Бу «Ташгорстрой» территориал-қурилиш бирлашмасига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 2-монтаж бошқармаси ва мазкур комбинатнинг 3-пардозлаш ишлари бошқармаси коллективларининг ғайрат ва шижоати туфайлидир.

Коллектив қисқа фурсатда 4 та 72 ва бир 108 квартирали турар жой биноларини фойдаланишга топширди. Ойнаванд лоджиялардан иборат, катта оилаларга мўлжалланган бу бинолар хонадон соҳибларига манзур бўлди.

## РЎЙХАТЛАРНИ СОЛИШТИРИШ БОШЛАНДИ

**СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Тошкент шаҳрининг барча сайлов участкаларида ҳамма танишиб чиқиши учун сайловчиларнинг рўйхатлари осиб қўйилди.**

**Участка сайлов комиссиялари сайловчиларни рўйхатлар билан танишиб, сайловчилар ҳақидаги маълумотлар тўғри-нотўғри қайд этилганини текширгани таклиф қиладилар.**

**Участка сайлов комиссиялари соат 10.00 дан 21.00 гача ишлайди.**

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия ўз фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилди. Фикрлашувлар чоғида қайд этиб ўтилганидек, комиссия партиянинг программавий йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитетининг қарорларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг келгусидаги иш планларига мувофиқ ижтимоий онгни ривожлантиришнинг республика интеллектуал, маънавий потенциалини активлаштиришнинг, жамиятда содир бўлаётган жараёнларга идеологик таъсир ўтказишда партия ташкилотлари ролини оширишнинг долзарб муаммоларини ўрганиши лозим бўлади. Ана шу асосда ижтимоий ривожланишдаги сифат ўзгаришларини назарий жиҳатдан таъминлаш, мафкуравий, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, партия комитетлари сиёсий раҳбарлик усулларига ўтаётган шароитда бу ишнинг мазмунини бойитиш ҳамда унинг форма ва методларини такомиллаштириш масалалари хусусидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Муҳокама чоғида комиссия ишининг устун йўналишлари белгиланди. Булар — партия комитетларининг мафкуравий иш услубини янгилаш йўлларини, ёшлар билан тарбия ишини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари ишининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, миллатлараро муносабатлар, тил, байрамлар ва маросимларни ташкил этиш муаммоларига доир концепцияни шакллантиришдир.

Мажлис қатнашчилари комиссиянинг 1989 йилги иш планини тасдиқладилар ҳамда комиссияда ўрганилиши лозим бўлган конкрет масалаларни белгиладилар. Булар орасида партия комитетларининг ташаббускор бирлашмалар билан ишлаши тўғрисидаги, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳақидаги, туб иқтисодий ислоҳотни идеологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш формаларидан уларнинг фойдаланиши тўғрисидаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда халқ байрамларининг, революцион, жанговар байрамлар ва меҳнат байрамларининг ролини такомиллаштириш ҳақидаги масалалар бор.

Комиссия меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг долзарб муаммоларини ўрганиш, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш борасида муаммоларни таҳлил этадиган ишчи группаларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия активлари, олимлар ва мутахассислар шу группаларнинг ишига кенг кўламда жалб этиладилар.

Идеология комиссияси ишчи группасининг тил муаммоларини ўрганишга доир фаолияти тўғрисида Э. Юсуповнинг ахбороти тингланди.

Комиссиянинг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан бўлиб ўтган учрашув якунлари кўриб чиқилди. Бундай учрашувлар партия органларининг ижодкор зиёлилар билан ўзаро фойдали мулоқотини, қалин алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиши, республика социал-иқтисодий ва маданий турмушининг барча соҳаларидаги кўпдан-кўп муаммоларни фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги руҳида муҳокама қилиш имконини бериши қайд этиб ўтилди. Бундай учрашувларни «Қайта қуриш мактаби» доирасида мунтазам учрашувларга айлантиришга қарор қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори Ш. О. Алимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Н. Ё. Ғойибов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов, ёзувчи К. Нўъмонов (Яшин), «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, «Тошкент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси В. И. Таранторова, Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. Умарбеков сўзга чиқдилар.

Комиссия мажлиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов раислигида ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясида

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИ ТИЛ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИ ИШЧИ ГРУППАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Республика матбуотида илгари маълум қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси ҳузурида республика тил муаммоларини ўрганувчи ишчи группа ташкил этилди. Группа составига ўзбек ва рус тиллари ҳамда адабиёти соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар, жамиятшунослар, партия ва совет ходимлари кирдилар. Ишга республикадаги барча гуманитар, жамиятшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг бир қанча кафедралари жалб этилди.

Ишларнинг аҳволини янада чуқурроқ аниқлаб олиш мақсадида марказий, республика ва район газеталарида ана шу мавзуда эълон қилинган мақолалар, ишчи группа номига келаётган кўпдан-кўп мактублар таҳлил этилди, Ўзбекистон олимларининг илмий тадқиқотларига оид материаллар умумлаштирилди. Группа аъзолари жойларга бориб, бу масалада Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқдилар.

Шу бугунгача ишчи группа номиға 900 тадан ортиқ хат, шу жумладан, коллектив бўлиб ёзилган хатлар келди. Ана шу хатларнинг аксариятида мамлакатда ва республикада КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясининг миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, барча миллатлар меҳнаткашларининг миллий-маданий эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришга оид қарорлари асосида мамлакатда ва республикада амалга оширилаётган тадбирлар маъқулланади, тил муаммоларини тўғри ҳал этиш, шу асосда барча халқлар маданияти, адабиёти, санъатини ривожлантириш, қайта қуриш жараёнларида уларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш зарурлиги таъкидланади. Коллектив бўлиб ёзилган хатларнинг кўпгина муаллифлари кейинги ўн йилликлар давомида ўзбек тилининг ижтимоий вазифалари чекланганлиги, муассасалар ва корхоналарда, маиший хизмат, медицина, фан ва маданият, транспорт ва алоқа соҳаларида, кўчаларни безашда ҳамда шу сингариларда ундан фойдаланишдаги мавжуд нуқсонлар тўғрисида куюниб ёзадилар. Хусусан ишчилардан Б. Раҳимов, Ш. Каримов ўртоқлар ва бошқалар шу ҳақда ёзишади. Улар кинотеатрларда ҳам ўзбек тилидаги фильмлар кам намойиш қилинишини айтадилар. Қарши Давлат педагогика институтининг ўқитувчилари Т. Нафасов, Д. Тўраев ўртоқлар, студентлардан Х. Муқимова ва С. Мўминовалар олий ва ўрта ўқув юртларида ўзбек тилида дарс беришни кенгайтириш ва яхшилаш, ўрта мактаблар учун ўзбек тилига оид янги дарсликлар яратиш зарурлиги, рус мактабларида ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш тўғрисида ёзадилар.

Меҳнаткашларнинг хатларида кўпдан-кўп шунга ўхшаш бошқа мисоллар келтирилади. Шу муносабат билан турмуш фаолиятининг барча соҳаларида ўзбек тилининг ролини оширишга қаратилган таклифлар ўртага қўйилади. Муаллифлар қонун йўли билан ўзбек тилига республиканинг давлат тили статуси берилишини таклиф этадилар.

Чунончи, Тошкент шаҳрининг Чилонзор районидаги Тинчлик маҳалласи аҳолиси Марказий Комитет комиссиясининг ишчи группасига йўллаган ўз мактубида шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида миллий масалада ҳам йўл қўйилган қонун бузилишларини бартараф этиш чоралари кўрилаётганлиги ҳақида ёзадилар. Шундай шароитда, уларнинг фикрича, ўзбек тилига давлат статусининг берилиши социалистик давлатимизнинг ўзбек халқини, унинг анъаналарини, байрамлари, расм-русумларини янада ва ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлади.

Бошқа бир гуруҳ хатлар ҳам борки, уларнинг муаллифлари кўп миллатли республикамиз турмуши учун нормал шарт-шароитни таъминлаш мақсадида ўзбек тилига ҳам, рус тилига ҳам давлат тили статуси бериш зарурлигини айтадилар. Кўпгина мактубларга хос хусусият шуки, уларда рус тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатида жаҳон фани ҳамда маданияти ютуқларини ўрганишдаги шубҳасиз аҳамияти ҳамда ўрни таъкидланади.

Вобкент районидан ўртоқ И. Муродова, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Бизнинг Кумушкент қишлоғимизда етти миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳаммаси она тили билан бир қаторда ўзаро алоқа воситаси сифатида рус тилидан кенг фойдаланади. Рус тили СССР халқларининг маданиятини, тарихини, турмуш тарзини ўрганишда, илғор тажриба билан танишишда катта ёрдам бермоқда. Ҳар бир киши ўз она тили билан бир қаторда рус тилини ҳам билишини ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.»

Ишчи группа ўз фаолияти давомида ўзбек тилидан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш, миллий—рус икки тиллилигини, республикада истиқомат қилувчи барча халқлар тилларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бир қанча таклифлар киритди. Уларнинг бир қисми ҳозирдаёқ амалга оширилмоқда. Чунончи, ўзбек тилини мустақил ўрганиш, ўзбекча-русча, ўзбекча-русча-тожикча гаплашув қўлланмалари, эски ўзбек графикасини ўрганишга оид қўлланмалар, ўзбек ва рус тилларини мустақил ўрганувчилар учун видеофильмлар яратиш соҳасида ишлар олиб борилмоқда. Дарслар рус тилида олиб бориладиган ўрта мактабларда ўзбек тилини ўқитиш, уни биринчи синфдан бошлаб ўрганиш ва ўзбек тили бўйича битириш имтиҳонларини жорий этиш учун дарс соатларини кўпайтириш тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Олий ўқув юртларида зарур ҳолларда табиий-техник профилдаги фанларни ўзбек тилида ўқитишга ўтилмоқда. Бир қанча шаҳарлар ва районларда кўчалар ҳамда уй-жой массивларига ном қўйиш масалаларини кўриб чиқиш учун топономия комиссиялари тузилди. «Ўзбек тили» республика комплекс программасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда.

Ишчи группа номига мактублар ҳамон келмоқда. Уларда ўртага қўйилган таклифларни умумлаштиришга оид ишлар тугагандан кейин республика турмуш фаолиятининг барча соҳаларида ўзбек тилининг ролини янада ошириш, миллий — рус икки тиллилигини, Ўзбекистонда яшовчи халқлар ва миллий группалар тилларини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги якунловчи ҳужжат лойиҳаси тил тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ва ўз-ўзидан равшанки, ана шу қонун лойиҳасини кенг умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун Марказий Комитет идеология комиссиясининг муҳокамасига қўйилади.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

# Соф даромад эвазига

Тошкентдаги «Комфорт» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси республика маҳаллий саноатининг етакчи корхоналаридан ҳисобланади. Бу ерда асосан ошхона гарнитурлари ишлаб чиқарилади. Бирлашма асосий заводдан ташқари Бағдод ва Шаҳрисабздаги иккита филиалга эга.

«Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йилдан буён тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш методи асосида иш юритяпти. Ўтган йил якунлари янги иш методининг афзалликларини амалда намойиш этди. Бирлашманинг товар маҳсулот топшириш плани ортиғи билан адо этилди. Шунингдек, корхонанинг илғор иш методлари ҳисобига соф даромад олиш планини 416 минг сўмга етказганлиги ҳам қувончли, албатта.

Бу фонддан министрлик кўрсатмасига биноан иқтисодий рағбатлантириш соҳасига катта маблағ ажратилди. Ҳа, айнан министрлик кўрсатмасига биноан! Хўжалик ҳисобида корхона ўз ишига ўзи хўжайин деб такрорлаймиз. Лекин мазкур корхонада юқоридаги каби кўрсатмалар асосий ўринни эгаллаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Бизнинг министрлик, — дейди корхона бош экономисти М. С. Усмонов, — қолоқ, зарар кўрадиган корхоналарни бизнинг даромадимиз билан қоплашга қарор қилганга ўхшайди. Биз эса ўз маблағларимиздан ўзимиз тўла фойдалана олиш имкониятига эга бўлмай қоляпмиз. Ўтган йили ишчиларимиз учун 32 квартирали турар жой биноси қуришни бошлаб қўйгандик. Унинг смета баҳоси 420 минг сўмни ташкил этади. 250 минг сўмни дам олиш зонаси қурилишига сарфладик. Социал, маданий ва маиший объектлар ҳақида сўз юритаётганимизда 120 ўринли ошхона ишга туширилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак. 0,4 гектар майдонни эгаллаган теплицада лимон, бодринг, помидор ва кўкатлар етиштириляпти.

Буларнинг ҳаммаси соф даромад эвазига амалга ошириляпти. Соф даромад олиш ва план-топшириқларини ортиғи билан бажаришга бирлашманинг 5-цехи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Мазкур металлолитография цехида қуруқ маҳсулотлар учун металл идишчалар тайёрланади. Цехда Германия Федератив Республикасининг махсус идишларга безак туширувчи линияси ишлаб турибди. Шунингдек, заводнинг ўз кучи билан тайёрланган ностандарт машиналар ҳам бугун ишчилар оғирини енгил қиляпти.

Маҳсулотларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олдин унда баъзи нуқсонларга йўл қўймаслик мақсадида тажриба партиясини жорий қилиш амалда яхши самара беряпти. Бу операцияни адо этувчилардан бири Владимир Тихонов тажриба-безак тушириш машинасида меҳнат қилади. У ойлик план-топшириқларини мунтазам равишда 110—112 процентга адо этиб келяпти.

Цех бошлиғи Р. Ёқубов безак туширувчи В. Тихоновни пешқадам ишчи, коллектив иши учун жонкуяр эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Қолипловчи Насиба Аъзамова ҳам 5-цехнинг илғорларидан. Ҳар сменада пешқадам ишчи 2,5 мингга етказиб махсус банкалар тайёрлаяпти. У топширилаётган маҳсулотларнинг аъло сифатли бўлишига астойдил интиляпти. Насиба хўжалик ҳисоби шароитида ҳар бир ишчининг самарали меҳнатидан бутун коллектив манфаатдорлигини ва якуний натижалардан эса ҳар бир ишчи манфаатдорлигини яхши тушунади.

«Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасида хўжалик ҳисобининг жорий этилиши муваффақият гарови бўлаётганлиги бугун ҳеч ким учун сир эмас.

У. УСМОНОВ.

СУРАТДА: 5-цех ишчиси Насиба Аъзамова.

Автор фотоси.



# ВАТАНИМИЗНИНГ ХАРИТАДАГИ ТАСВИРИ

**Иттифоқ геодезия, топография ва картографиясининг ривожланиши В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғланган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин В. И. Ленин мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, социализм ғояларини тарғиб қилиш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш мақсадида унинг территориясида картографик — геодезик тадқиқотларни кенг кўламда, планли равишда ҳамда бу ишларни илмий асосда ривожлантиришга катта аҳамият берди.**

**В. И. Ленин 1919 йил 15 мартда Халқ Комиссарлари Советининг «Олий геодезия бошқармасини ташкил этиш тўғрисида», деган тарихий Декретга имзо чекди (ҳозирги СССР Министрлар Совети ҳузуридаги геодезия ва картография бош бошқармаси).**


ДЕКРЕТ

ОБ УЧРЕЖДЕНИИ ВЫСШЕГО ГЕОДЕЗИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ

Председатель Совета Народных Комиссаров
В. Ульянов (Ленин)

Декретда бошқарманинг асосий вазифаси «Мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш мақсадида РСФСР территориясини топографик жиҳатдан ўрганиш...» эканлиги таъкидланган. Бошқармага мамлакатда бу соҳадаги бажарилаётган ҳамма илмий ва амалий ишларни ўзаро бир-бирига мувофиқлаш; систематик топографик съёмкаларни ташкил қилиш, халқ хўжалиги ва мамлакат мудофааси учун зарур бўлган давлат хариталарини тайёрлаш, бу соҳадаги ишларни ягона инструкция ва методлар асосида олиб бориш ҳамда унинг натижаларини бир жойга тўплаш, системага солиш ва сақлаш, бу соҳада юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш каби муҳим вазифалар топширилди.

Декрет ва бу соҳадаги ишларни ривожлантириш мақсадида чиқарилган яна бошқа бир қанча декрет, қарор ва кўрсатмалар мамлакатимиз территориясини ўрганишда программа бўлиб хизмат қилди. 1920—1921 йилларда В. И. Ленин томонидан дастлабки иттифоқ ва дунё географик атласларини яратиш ва чоп этиш бўйича ёзилган хатлар совет картографиясининг методологик пойдеворига асос бўлди ва унинг ғоявий, илмий ва сиёсий асосини белгилаб берди. Бу хатлардан барча картографик асарлар (асосий қисми картографик тасвир бўлган) учун муҳим бўлган қуйидаги асосий принциплар (қоидалар) келиб чиқади, чунончи мазмунининг тўлалиги ва бир бутунлиги, воқеа ва ҳодисаларга (объектларга), улар ўртасидаги мавжуд алоқадорлик, боғлиқлик ва қарама-қаршиликларни кўрсатган ҳолда атрофлича картографик тасвир бериш ҳамда уларни тарихий ривожланишда акс эттириш, маълумотларни характерли муддатларга боғлаш ва уларнинг замонавий бўлишини таъминлаш ва улар ичида энг асосийларини саралаб ажратиб олиш ҳамда уларни кўргазмали ва тушунарли қилиб тасвирлаш кабилардан иборат.

1920 йили В. И. Ленин ташаббуси билан ГОЭЛРО планига бағишланган биринчи иқтисодий ва сиёсий маъмурий хариталар тузилди. Юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида махсус институт ва ўрта техника ўқув юртлари ташкил этилди.

Ўтган 70 йил мобайнида мазкур Декрет асосида Ватанимиз территориясида бу соҳада амалга оширилган ишларнинг миқёси ва аҳамияти жуда катта бўлди. Натижада мамлакатимиз ўз территориясини топографик жиҳатдан ўрганиш ва бу соҳадаги қилинган ишларнинг ҳажми ва салмоғи бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Чунончи, 1940 йили профессор Ф. Н. Кроссовский раҳбарлигида Ер эллипсоидининг (Ер шаклининг) янги ўлчамлари ҳисоблаб чиқилди ва СССР Министрлар Советининг 1946 йилдаги қарорига биноан, СССР территориясидаги барча геодезик ишларда шу ўлчамлардан фойдаланиладиган бўлди.

Мамлакатимиз геодезистлари, топографлари ва картографлари эришган улкан ютуқлар республикамизда ҳам бу соҳалар кенг кўламда ривожланишида катта роль ўйнайди. Ҳозир республикамиз территорияси топографик обзор-топографик ва обзор хариталар билан тўлиқ қопланган. Улар география, тематик ва махсус харита ва атласларни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Бу соҳадаги малакали кадрлар Тошкент Давлат университетида, Тошкент политехника институтида ва топография техникумида тайёрланади.

1963 йили республикамизнинг биринчи илмий справочник табиий география атласи чоп этилди. Атласда республикамизнинг табиий шароити ва ресурсларига тўлиқ картографик тавсиф берилган бўлиб, унинг ёрдамида бутун республикамиз ва унинг айрим қисмларининг табиий шароити ва ресурсларини ўрганишда, ҳисобга олишда, табиатни муҳофаза қилишда ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳамда ундаги тасвирланган табиий ҳодисаларнинг динамикаси, ривожланиш жараёни тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

1968 йили республикамизда Иттифоқимизда биринчи бўлиб битта умумий программа асосида ихтисослаштирилган деворий қишлоқ хўжалик карталари чоп этилди. У 21 та харитадан иборат бўлиб, уларда республикамиз қишлоқ хўжалигига ва унинг асосий тармоқларига, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек табиий ва социал-иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича картографик тавсиф берилган.

1980—1981 йиллари ўзбек ва рус тилларида республикамизнинг ўқув-ўлкашунослик атласи чоп этилди. Мазкур атлас умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўз республикасининг сиёсий-маъмурий бўлинишини, табиатини, аҳолисини, хўжалигини, маданиятини ва тарихини ўрганиш учун, шунингдек ўлкашунослик ишларида фойдаланиш учун мўлжалланган. 1983 йили республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан «Тошкент» комплекс географик атласи чоп этилди. Атласда шаҳар ва шаҳар атрофининг табиий шароити, аҳолиси, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, маданияти ва тарихига тўлиқ картографик тавсиф берилган.

1982—1985 йиллари республикамизнинг 2 қисмдан иборат йирик комплекс географик илмий-справочник атласи чоп этилди. 1985 йили «Ўзбек Совет энциклопедияси»нинг бош редакцияси икки жилдли пахтачилик Қомусини СССРда илк бор босиб чиқарди. Унга иттифоқимизнинг барча пахта етиштирувчи республикаларида пахтачиликнинг шу йиллардаги аҳволини акс эттирувчи 40 дан зиёд харита киритилган. Хариталардан бирида жаҳон пахтачилигининг ҳозирги аҳволи тасвирланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг География бўлимида Ўзбекистон ССР пахтачилик атласини тузиш бўйича қилинаётган ишлар ниҳоясига етди. Кун тартибида эса, давр талабига монанд республикамиз медико-географик атласини яратишдек катта ва масъулиятли вазифа турибди. Бугунги кунда бу соҳаларда, айниқса картография соҳасида республикамиз иттифоқдош республикалар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

**А. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети геодезия ва картография кафедрасининг доценти, география фанлари кандидати.**

## Интернационалчи-жангчилар ҳузурида

Яқинда шаҳримиздаги ҳарбий госпиталь пионерлар билан гавжум бўлди. Хирургия бўлимига Киров районидаги 239-мактаб ўқувчилари ташриф буюрдилар. Мактаб бош пионервожатийси М. Толипова даволанаётган интернационалчи-жангчиларни табриклади. Шундан сўнг болалар концерт программаси ҳамда рус тилида «Киносъёмкадан олдин» номли кичик саҳна кўринишини намойиш этишди.

С. МИРСОИПОВА.

Луқма

## Тўсиқлар қачон ўрнатилади?

Биз истиқомат қилаётган Усмон Юсупов кўчаси шаҳарнинг энг серқатнов кўчаларидан биридир. Трамвай, троллейбус, автобус, минглаб шахсий ва юк ташувчи машиналар тез-тез ўтиб туради.

Шу кўчада «Алоқа техникуми» бекати бор. Бу жой ҳамиша гавжум. Чунки яқин атрофда институт, техникум ва бошқа маъмурий идоралар жойлашган.

Илгари трамвай тўхтайдиган майдонча не машаққатлар эвазига темир тўсиқ билан ўралган эди. Ўтган йили қандайдир машина унинг бир қисмини бузиб кетди. «Тоштрам» ишчилари уни тузатиб, ўз ҳолига келтиришган эди. Лекин орадан 2-3 ой ўтмай номаълум юк машинаси уни бутунлай ишдан чиқариб кетди. Қайсидир ташкилотдан одамлар келиб, тўсиқларни йиғиштириб, машиналарни олиб кетишди. 2 ойдан бери хавфли вазият пайдо бўлди. Чунки трамвайдан тушган одам тўппа-тўғри машина остига кириб кетиши ҳеч гап эмас.

Кўча тор бўлгани сабабли тезликни соатига 40 километрдан оширмаслик ҳақида белги қўйилган. Шофёрлар эса кўрсаткичга эътибор беришмайди. ГАИ ходимларини бу кўчада кам кўрамиз.

Наҳотки бу аҳвол ҳеч кимни ташвишга солмаса!

Н. МУҲИДДИНОВ.

## Излаган имкон топади

ёки аҳолига транспорт хизматини яхшилашнинг муҳим резерви хусусида

Шаҳримиз кўчаларидаги бекатларда ҳар тонг ва ҳар кеч бир хил манзарага дуч келасан, киши: тўп-тўп туришган йўловчилар сабрсизлик билан автобус, троллейбус, трамвай кутишяпти, ўз манзилига тезроқ етиб олиш учун бирдек ошиқяпти, аммо... Очиғи, бир ишчи ё ходимнинг ишга бир неча минут бўлса-да кеч келиши ўша корхона учун нечоғли қимматга тушиши ҳаммага маълум. Тўғри, автобус ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчилари баҳоли-қудрат ўз вазифасини бажармоқдалар. Аҳоли сони ортиб бораётгани, шунга яраша талаб-эҳтиёж ҳам кун сайин кучаяётгани ҳам барчага маълум гап. Бироқ, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш оқсаётганига бу сабаб ё баҳона бўлолмайди. Излаган имкон топади, деган гап айни мана шунақа муаммоларни ҳал этишга жуда тааллуқлидир!

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1982 йил март ойидаги қарори ҳамда Тошкент шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг 1984 йил ноябрь ойидаги қарори худди ўша талаб-эҳтиёжларни қондириш борасида муҳим дастуриламал ҳисобланади. Аввало шуни эслатиб ўтиш керакки, қоидага биноан халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори барча район Совети ижроия комитетлари учун мажбурийдир.

Демак, юқори мутасадди ташкилотлар томонидан аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини яхшилаш борасида тегишли қарорлар қабул қилинган. Хўш, унинг ижроси қай даражада! Бу саволга юзлаб йўловчиларимиз дангал жавоб беришлари мумкин: кўп ҳолларда йўловчилар бекатларда узоқ вақт кутиб қолишга мажбур бўлаётирлар.

Турли корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктилган хизмат машиналари, яъни, автобуслардан буюртмачи сифатида кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Айтайлик, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига эрталаб ишчиларни олиб борган автобус Инқилоб хиёбонига қайтиб келиши керак. Йўловчиларга маълумки, мазкур маршрутда асосан 101—тезюрар автобуси қатнаяпти. Лекин айни шу маршрутда йўловчилар сони жуда кўп. Аммо эҳтиёжни қондириш мушкул. Демак, ҳалиги заводдан қайтаётган автобус ўша фурсатда йўловчиларга хизмат кўрсатиши мумкин-ку! Ёхуд катта бир автобус ўша заводга атиги ўн чоғлик хизматчини олиб кетяпти, автобусда яна қарийб ўттиздан ортиқ йўловчига жой бор. Демак, бекатларда турмшган йўловчиларни ўша манзилгача олиб кетиши мумкин-ку! Мумкингина эмас — бу вазифа қонун йўли билан ҳал қилиб қўйилган! Ахир, ташкилотлар томонидан буюртма берилган транспорт воситалари ҳам, қолаверса, доимий хизматдаги автобуслар ҳам асосан ҳар куни бир хил маршрутда қатнайди, бинобарин, худди ўша маршрутдаги йўловчиларга ҳар куни хизмат кўрсатиш имкони бор! Бу эса биринчи галда йўловчиларга, қолаверса, ўша автобусдан фойдаланаётган корхона ҳамёнига ҳам катта фойда.

Шаҳримиз кўчаларида ўтказилган рейдда маълум бўлишича, бунга риоя қилинмаяпти, ўзбошимчаликлар бўляпти.

Баъзи ташкилотлар қоидага мутлоқ хилоф равишда иш тутишаётир. Яъни, катта бир автобусда атиги олти-ўн чоғли одам, баъзилари эса мутлақо бўм-бўш... Яна бошқа автобусни текширсак, йўловчиларга билет сотилмаган...

Куйбишев массивида, шунингдек Фарҳод кўчасида ўтказилган рейдларимизда «Узглавзооветснаб» ташкилотига қарашли 31—79 ТНЛ автобуси, 1-алоқа автотранспорти корхонасига қарашли 07—17 ТНМ номерли автобус, республика ипподромига қарашли 46—99 ТНА номерли автобус, Тошкент муз комбинатига қарашли 20—99 ТНУ номерли автобус, «Плодоовощтранс» бошқармасининг 2-автотранспорт корхонасига қарашли 50—16 ТНЛ номерли автобус, ВНИХТ МП институтига қарашли 15—46 ТНЛ номерли автобус ҳайдовчилари қоидага хилоф равишда ўзбошимчалик қилганликлари қайд этилди. (Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин). Бу автобусларда аҳолига хизмат кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто автобус пештоқида маршрут адреслари ҳам кўрсатилмаган. Қоидага биноан, масалан, Инқилоб хиёбони ва завод ўртасида мунтазам қатнайдиган автобус пештоқига «Инқилоб хиёбони —ТТЗ» қабилида ёзиб қўйилиши шарт. Ана шундагина йўловчиларга қулайлик туғилади, мушкули осонлашади, қолаверса, автобус ҳайдовчиларига ҳам, йўл назоратчиларига ҳам қийинчилик туғилмайди.

Айни кунларда шаҳримиз территориясида жойлашган 234 та турли корхона, ташкилот ва муассасалар учун 1170 та хизмат автобуслари берилган. Тўғри, автобуслар хизмати учун тегишли сумма ўша корхона ҳисобидан ундирилаверади, аммо гап фақат тегишли пулни чўнтакка уришда эмас-да! Бекатларда транспорт кутиб қолишган йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш ҳам энг асосий бурчимиз эканлигини эсдан чиқармаслигимиз шарт.

Савдо ходимларининг харидорлар ҳақига хиёнат қилишига минбад ҳаққи бўлмагани каби давлат автобусида ё машинасида йўловчиларга хизмат кўрсатиб, улардан тушган «кира ҳақи»ни чўнтакка уришга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай ишга қўл урган шофёрларни ўз номи билан юлғич деб аташга ҳақлимиз. Чунки у бир жиҳатдан йўловчилар ҳақига хиёнат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, давлат машинасидан фойдаланиб, давлат маблағини ўмараётир. 62—23 ТНМ, 34—93 ТНИ, 58—18 ТНН номерли автобус ҳайдовчилари ана шундай қилмишлари туфайли қўлга тушди. Улар маълум маршрутлар бўйича йўловчиларга бафуржа хизмат қилиб, улардан тушган «кира ҳақи»ни чўнтакка уришган.

Текширишлар яна шуни кўрсатдики, УзГИИТИга қарашли 19—43 ТНТ номерли автобус ҳайдовчиси Ҳошимов, 2502—автоколоннага қарашли 84—59 ТНА номерли автобус ҳайдовчиси Абдужабборов, 12—автотранспорт корхонасининг 09—84 ТНН автобус ҳайдовчиси Лекин ва бошқалар юқорида айтилган қарорлардан мутлақо бехабар эканликлари маълум бўлди.

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш — олий бурч. Айниқса, мутасадди корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа — буюртмачи сифатида хизмат машиналаридан фойдаланувчи коллективларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур.

А. ҚУАНИШБОЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча турдаги пассажир транспортлари ишини координация қилиш ва ривожлантириш башқармасининг бош инженери.

# ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

**● ТРИПОЛИ.** Ливиянинг Бенғози шаҳрида Ливия жамоҳирияси умумхалқ конгрессининг навбатдаги, 15-сессияси ўз ишини тугатди. Мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг аъзолари бир ҳафта давомида Ливия ички ва ташқи сиёсатининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Сессия янги молия йили бюджетини тасдиқлади, бир қанча янги қонунларни қабул қилди. Ҳокимият олий ижроия органи — олий халқ комитети қайтадан тузилди. Жумладан давлат хизмати масалалари комитети секретари лавозими тугатилди ва нефть, саноат стратегияси, адлия ва бошқа бир қатор масалалар билан шуғулланувчи саккизта янги секретарь сайланди. Олий халқ комитетининг янги составига аёл киши — Фатма Абдил Ҳафиз Мухтор киритилди. У маориф масалалари секретари лавозимини эгаллади.

Умумхалқ конгресси секретариати составига ҳам илк бор аёл киши сайланди. Салмин Али Орайби умумхалқ конгресси бош секретарининг ўринбосари бўлиб қолди.

**● ҚОҲИРА.** Тель-Авив университети қошидаги стратегик тадқиқотлар маркази Исроил ҳукумати билан Фаластин Озодлик Ташкилоти ўртасида Фаластин арабларининг мустақил давлатини тузиш тўғрисида бевосита музокаралар ўтказилишини ёқлаб чиқди.

**● НИКОСИЯ.** Бугун Кипр пойтахтининг «қалқон зонасида» Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг Кипрдаги махсус вакили Оскар Эктор Камильон воситачилигида Кипр муаммосини бартараф этиш юзасидан жамоалараро мулоқот давом эттирилди.

Томонлар БМТ Бош секретарининг ташаббуси билан аввал келишиб олинган муддатдан чиқмаслик учун жамоалараро мулоқотни тезлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Икки раҳбар шу ойнинг ўзидагина ўн марта учрашишлари керак. Навбатдаги учрашув 17 мартга белгиланган.

(ТАСС).



Болгария Халқ Республикаси. Виолетта Сибевани таниган кишиларнинг ҳаммаси уни бахтиёр аёл, деб ҳисоблайди. Эҳтимол унинг ўзи ҳам шу фикрдадир, аммо бу ҳақда ўйлаш учун унинг вақти йўқ. Ишдан, оила ташвишларидан, ўнлаб пайсалга солиб бўлмайдиган ишлардан — шиддаткор ва мураккаб давримиздаги ҳар бир аёлга хос юмушлардан қўли бўшамайди. Шу юмушларнинг ўзи уларнинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Шундай бўлса ҳам...

Виолетта расм чизишни болалигидан яхши кўрарди. У Софиядаги билим юрти архитектура факультетини битирганидан сўнг мактабда ўқитувчилик қилди, сўнгра ўз соҳаси бўйича «Водпроект» ташкилотида ишлади. Аммо ўз қизиқишини ташлагани йўқ — ҳар бир картинага бутун истеъдоди, қалб қўрини бағишлаб расм чизишда давом этди. Унинг санъати эътибордан четда қолмади, томошабинлар ва танқидчиларнинг назарига тушди. Виолетта таниқли рассом бўлиб қолди, унинг виставкалари Болгарияда, Италияда, Конгода намойиш этилди. Ҳозирги вақтда у телевидениеда рассом бўлиб ишлайди.

Севимли иш — бахтнинг зарур омилларидан биридир. Аммо бахт оналик гаштисиз тўлиқ бўлмасди. Виолетта Сибева эса беш фарзанднинг онаси. Албатта, ҳам уй бекаси бўлиш, ҳам ижод қилиш осон эмас, аммо унга фарзандларга, умр йўлдошига, ишига бўлган муҳаббат ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: биргаликда харид қилгани.

БТА—ТАСС фотоси.

## Турфа олам

### ЁДГОРЛИКЛАР КИМ ОШДИ САВДОСИ

Яқинда Лондонда «Кристи» фирмасининг ким ошди савдосида қиймати қарийб икки миллион фунт стерлингга тенг Наполеон даврининг уруш анжомлари коллекционерларга сотиб юборилди. Шу жумладан, денгиз жангида ҳалок бўлган британиялик адмирал Г. Нельсон жасади устига ёпилган байроқ ҳам пулланди. Нельсоннинг Гамильтон хонимга ёзган мактублари ўттиз минг фунт стерлингга сотиб олинди. Шунингдек, адмиралнинг иундири, тамаки трубкаси, дурбини, ҳамёни, соат ва бошқа буюмлари ҳам сотилди.

### САРИЁҒНИНГ ТАРИХИ

Берлиндаги Гумбольдт номли университет олимлари сариёғнинг яратилиш тарихи устида олиб борилган тадқиқотларга доир материалларни эълон қилдилар. Сариёғдан диний маросимлар учун фойдаланилгани ҳақидаги дастлабки маълумотларни инжилда учратиш мумкин. Унинг муаллифлари фикрига қараганда, сариёғдан эрамиздан аввалги икки мингинчи йилларда фойдаланила бошланган. Сариёғдан Қадимги Грецияда ва Римда хабардор бўлишган, фақат ундан шифобахш дори-дармон сифатида фойдаланишган. Қадимги германлар ҳам сариёғ ишлаб чиқаришган, аммо улар сариёғни соч ва юзга суртиш учун ишлатишган. Сариёғдан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида биринчи бўлиб Шимолий Европа мамлакатлари фойдаланишган.

### СОҚОЛЛАР ҲАҚИДА

Лион университетининг физиологлари юзлаб соқол қўйган французларнинг бош қисмида иссиқлик алмашинишини тадқиқ қилдилар. Соқолнинг қишда юзнинг пастки қисмини иситиши, ёзда эса, айниқса жисмоний зўриқиш вақтида, бош ва мияни ҳаддан ташқари қиздириб юбориши аниқланди. Маълум бўлишича, соқол қанчалик қалин ва катта бўлса, соч шу қадар кўп тўкилар экан.

